

ДАРСНИНГ НУТҚ ҮСТИРИШ БОСҚИЧЛАРИГА ҚИЗИҚИШ ҮЙГОТИШ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14581672>

Ш.О.Пирниязова

Ажиниёз номидаги НДПИ мустақил излануучиси

Бошлангич синф она тили дарсларида ўқувчиларнинг нутқини үстиришга катта ахамият берилади. Шунга кўра ўқилган матнлар билан бевосита ва бавосита алоқадорликда нутқий машқлар бажарилади. 1-3-синф «Ana tili hám oqıw sawatlılığı» дарсликларида бундай машқлар (топшириқлар) уч хил мазмунда тақдим этилади:

- 1) берилган мавзуда сухбатлашиш (масалан, «Maǵan bayram unaydı» temasında sáwbetlesiń);
- 2) бирор нарса-буюм хақида билғанларини айтиб бериш, бирор мавзуда ҳикоя қилиш (масалан, As duzinan paydalaniw orınları haqqında bilgenlerińizdi aytıp beriń);
- 3) берилган мавзуда ёки берилган сўзлардан фойдаланиб кичик матн тузиш.

1-3-синфлар «Ana tili hám oqıw sawatlılığı» дарсликларида ўқувчиларнинг оғзаки диалогик нутқини үстиришга қаратилган «...temasında sáwbetlesiń» каби топшириқлар кўп [1].. Бундай топшириқлар асосан ўқилган матн мазмуни билан боғланган, бирор жиҳатини кенгайтирган, бирор масаласида тармоқланган бўлади. Масалан, аввал Nawız - báhár bayramı” матни берилган, сўнг «Súwretlerden paydalanip “Nawız - báhár bayramı” temasında sáwbetlesiń» деган топшириқ берилган (1-синф, 1-бўлим, 35-бет). Ушбу топшириқ дарсликдаги “Nawız - báhár bayramı” матнидан кисман фарқланган мазмунда бажарилади.

Берилган мавзуда сухбатлашиш учун ўқувчилар матнни ўқиш ва таҳтил қилиш жараёнида ниманидир аниқлаш, сўраб билиш вазиятига тушиб туришлари ёки улардан шу нарса талаб этилаёттанини англашлари керак. Шунинг учун матн ўқилгач, нимани тушунмай қолганликларини сўраб туриш мақсадга мувофиқдир. Бу нарса уларни зукко бўлишга одатлантиради. Эҳтиёж бўлмаса, болалар топшириқ берилган заҳоти бир-бирларига саволлар беришга киришмайдилар. Баъзан «Менда савол йўқ», «Нимани (нима ҳақда) сўрашни билмайман» каби жавобларни эшитиш мумкин.

Үқувчиларда ҳақиқатдан савол бўлмаса, ўқилган матнни хижжалаб оз-оздан қайта ўқиш ва ўқувчилардан: «Ушбу гапларда нимани тушуна олмадингиз?», - деб сўраш лозим бўлади. Масалан, 1-синф (2-қисм) дарслигидаги «Láylek» матнидаги қуйидаги гаплар ўқилади: «Diyqan láylekti úyne alıp ketipti hám sínğan ayaǵın emlepti. Bir qansha waqıttan soń láylek usha alatuǵın bolıptı hám uship ketipti. Aradan bir neshe kún ótkennen soń láylek jáne payda bolıptı hám páslep ushiptı» (7-бет).

Ўқитувчи: Шу гапларда нима тушунарсиз бўлиб турибди?

Ўқувчилардан бири: Лайлакнинг нима учун қайтиб келгани.

Ўқитувчи: Демак, лайлакнинг қайтиб келгани савол туғдирди. Нима деб савол бериш мумкин?

Ўқувчилардан бири: Лайлак дехқоннинг олдига нима қайтиб учиб келди?

Шубҳасиз, бундай ўқиши ўқувчиларга савол бериш, шу йўл билан ким биландир сухбатлашиш мақсадини ва мотивини англаб етишга хизмат қиласи, уларни синчковликка одатлантиради, хаётни қузатишга, тушунарсиз воқеа-ҳодисаларни сўраб билишга ўргатади. Ўзаро сухбатлашишнинг таълимий аҳамияти шундаки, бир томондан, матн мазмунини яна хам чуқурроқ англатишга эришилади, иккинчи томондан, охир-оқибатда уларнинг диалогик шаклдаги нутқини ўстиришга ёрдам беради. [2]

Савол-жавоб (сухбат) ўқитувчи билан ўқувчилар орасида ташкил этилиши, баъзан бу иш расм асосида ҳам уюштирилиши мумкин. Расмлар нима ҳақида сўраш ёки нима деб жавоб қайтариш мумкинлигини эслатиб туради. Лекин бу иш мунтазамлик касб этиши зарур. С.Политованинг таъкидлашича, расм билан олиб бориладиган ишларни мунтазам равища – хафтасига бир мартадан кам бўлмаган ҳолда ўтказиш лозим. Бунда уни қўриб чиқиши болаларнинг қизиқиши намоён қилишлари учун қанча вақт кетса, шунча вақт давом этиши керак. Агарда қизиқиши сусайса, картина устидаги сухбатни ёки бошқа бир ишни бошқа дарсга ёки кейинги кунга қўчириш керак. Картина асосидаги сухбатни «шошмасдан, аммо болаларнинг ортиқча тафсилотлар билан жонига тегмасдан» олиб бориш лозим» [3].

Бу каби диалогик ва монологик шаклдаги оғзаки ва ёзма иш турлари, машқлар уларга ўқувчиларни ўзига хос тарзда қизиқтириш, тайёрлаш нуктаи назаридан алоҳида босқичларни хосил қиласи.

Шундай қилиб, бирор мавзуда сухбатлашиш талаб этиладиган топширикларни ўқилган матн доирасида, унинг бирор жиҳатини ажратиб олиш асосида, баъзан муаммоли саволга жавоб бериш асносида бажариш

лозим бўлади. Топширикни бажаришнинг қийин томони шундаки, уни қай тарзда ташкил этиш зарурлиги ноаниқ, мақсад ҳам тезда аён бўла қолмайди. Матнни ўқиб, саволларга жавоб беришда ўқувчи матндан фойдаланади. Ўзаро савол-жавобда ўқувчи китобий савол эмас, сўзлашув нуткига хос савол беради, бунда у баъзан матндан қисман узоклашиши ҳам кутилади.

Ҳаётий мавзуларда ўқувчилар орасида ўтказиладиган ўзаро сұхбатлашишлар уларда кузатувчанлик хислатларини ривожлантиради. Ушбу кузатувчанлик ўқилган матн мавзуси доирасида бўлади. Айрим ўқитувчилар ўқувчиларга матнда айтилмаган гап бор-йўқлигини айтиш вазифасини берадилар. Бундай топшириклар матнни ўқиш чоғидаёқ унда нималар ҳақида гапирилмаганига эътибор пайдо қиласди. Бу ҳам кузатувчанликнинг бир тури ҳисобланади. Жавоблар орқали ўша номаълум нарса ҳақида билиб олиш қизиқишига кучли туртки беради. Айрим муаллимлар топшириклардаги саволлар билан қамраб олинмаган нарсалар ҳақида сўраб билишни болаларга вазифа қилиб берадилар. Хуллас, болаларнинг қизиқиб сұхбатлашиши учун мотивлар етарли. [5]

Нутқ ўстиришга қаратилган топширик турлари сирасида бирор өвқеани айтиб берииш, матн тузии алоҳида ўрин тутади. Ушбу иш турларини бажариш жараёнида туғиладиган қийинликлар шундаки, ўқувчи ўзи фикр юритмоқчи бўлган предмет ва обьектни аниқ кўз олдида гавдалантириши керак. Шу жиҳати билан нутқий машқлар ҳаёт лавҳаси тасвирлаб қўйилган матн асосида нутқ ўстиришдан фарқ қиласди. Матн фикр билдириш талаб этилаётган предмет ёки обьектни сўз билан ифодалаб, шу ифодалардан фойдаланиш имконини беради. Ўзаро сұхбатлашиш, бирор өвқеани айтиб берииш, матн тузиш учун ўқувчи ўзи фикр юритмоқчи бўлган предмет ёки обьектни кўз олдига келтиришдан ташқари, ўзида мавжуд ёки матн устида ишлаш жараёнида ёдида қолган сўзлардан фойдаланиши лозим бўлади. Бунинг устига оғзаки ёки ёзма нутқ ўстириш учун тавсия этилган мавзулар ўқилган матнлар мавзуларидан қисман фарқ қилиши мумкинки, ушбу тафовутлар туфайли ўқувчининг матндан андаза олиш ёки унда қўлланган сўзлардан фойдаланиш имконияти яна ҳам камаяди. Бундан ташқари, дарсдан дарсга нутқ ўстириш учун тавсия этилаётган мавзулар дарс мавзуларига монанд ўзгариб боради, бинобарин аввалги мавзуда фаоллаша бошлаган лексик ва грамматик материаллар янги мавзула рда иш бермай қўйиши мумкин, яъни тайёргарлик ишлари қайтадан ташкил этилиши лозим бўлади..

Бирор нарса-буюм ҳақида билганинини (матнда тилга олинмаган томонларини) айтиб бериш, бирор мавзуда хикоя қилиш (масалан, As duzinan paydalaniw orınları haqqında bilgenlerińızdı aytıp beriń) талаб этиладиган топшириклар 1-3-синфлар дарсликларида күп эмас. Шундай бұлса-да, уларни бажариш жараёни маълум мақсад ва мотив асосида ташкил этилиши кераклиги аён ҳақиқат.

Дарсликларда берилишига күра машқ уч хил материаллар асосида тақдим этилган:

- матн асосида;
- сұзлар асосида;
- расм(лар) асосида.

Масалан, қуидаги топширик матн асосида мустақил фикр билдиришни тақозо этади:

2-tapsırma. Berilgen tekstti oqıń. Awıl aqsaqalınıń ne ushın bulay degeni haqqında pikir bildiriń.

Awıl aqsaqalı olardıń sózlerin tińlaptı hám olarǵa ańdı uslawǵa hámme óz úlesin qosqanlıǵıń, eger hárbiri ózinshe háreket etkeninde ańdı uslay almaǵanbolar edińiz, – depti. (1-синф, 2-бұлым, 18-бет.)

Ұкувчиларниң оғзаки нутқини ўстиришдан, нима ҳақда қанча гапириш кераклигидан күзланадиган мақсадлар қуидагилар:

- воқеани тұлиқроқ баён қилиш (предметни тұлиқроқ тавсифлаш)
- равон гапиришни машқ қилиш;
- сұзлар, гаплар орасидаги тұхтамларни қисқартириш;
- сұзларни, гапларни тұғри, тушунарлы талаффуз қилиш;
- таъсирчан сұзлаш;
- кимга гапираётгандыгини хисобга олиш.

Үқитувчи дарсларда ўтилған мавзу материаллари берадиган имкониятлардан келиб чиқиб юқоридаги мақсадлардан бирини танлайди. Улар асосан коммуникатив нутқий фаолият билан боғлиқ. Энг қийин мақсад - гапларни тұғри тузиш. Ушбу талаб баъзан равон гапиришни қийинлаштиради: ұкувчи гапларни тұғри тузиш ҳақида ўйлар экан, баъзан айтмоқчи бўлган фикрини йўқотиб қўяди, ўзини нокулай сеза бошлайди, бундай пайтларда таъсирли сұзлаш кераклигини ҳам унтулади. Шунинг учун янги мавзуда гапириб бериш талаб этиладиган воқеа-ходиса аввалги дарслардагиларга яқин бўлишига ҳаракат қилиш зарур. Лекин топшириқдан күзланадиган мақсадлар сирасида гапларни тұғри тузишни акс эттиргмаган маъқул. Шунингдек, үқитувчининг кириш сўзи ҳам ұкувчиларни қизиқтириш нуқтаи назаридан қай мазмунда бўлиши кераклиги, кўзланган мақсад

нимадан иборат бўлиши, қурби етишлилик принципига амал қилиб танланиши муҳим аҳамият касб этади. [4]

Бошлангич синфлар она тили дарсларида матн тузиш талаб этиладиган топшириклар унча кўп эмас. Шубҳасиз, матн асосан нутқнинг ёзма кўриниши хисобланади. Демак, ўкувчи берилган мавзуда ёзма равища матн тузиши керак. Лекин у нима мақсадда тузилади, деган савол ўқитувчини кийин ахволга солади. Дарҳақиқат, бошлангич синфларда (1-синфдан бошлаб) матн нима учун туздирилади? Саволга жавоб бериш учун дарсликлардаги айрим топширикларни кўриб чиқайлик.

Дарсликларда берилган расм асосида матн тузишга доир топшириклар кўпроқ. Масалан, Berilgen súwret tiykarında “Meniň doslarım” temasında kishi tekst dúzin (2-с., 1-к., 38-б.). Бундан ташқари, берилган сўзлардан фойдаланиб матн тузиш; партадош дўсти билан ўз туғилган жойи ҳақида (3-с., 1-к., 55-б.), мультфильм кўриш ва «Tábiyattı qásterleyik!» мавзусида матн тузиш (3-с., 1-к., 103-б.) каби талаблар бор.

Кўринадики, топшириқ шартларида нималар асосида ва нималар ҳақида матн тузиш кераклиги айтилган, лекин бу ишларни нима мақсадда бажариш лозимлиги ўкувчи учун ноаниқ бўлиб туради. Ўқитувчи ўкувчиларга одамларнинг зарур бўлганда матн таза билган ҳолда ўз фикрларини ёзма равища маълум қилиб туришларини айтади. Демак, матн тузиш машқлари орқали ўз фикрларингизни ёзма ифодалашни ўрганишлари лозимлигини тушунириши тўғри бўлади.[6]

Хуллас, бошлангич синфлар она тили дарсларида ўқитувчиларнинг ўзаро сухбатлашишлари, бирор нарса, воқеа-ходиса ҳақида билганлирини айтиб беришлари, нихоят, матн тузишлари ўзига хос мазмунда қизиқиш уйготиш, мотив пайдо қилишни тақозо этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ana tili hám oqıw sawatlılığı. 1-bólüm [TEKST]: 1-klass ushın sabaqlıq / Sh.Ábdinazimov, B.Qutlimuratov, Z.Ismaylova, P.Salieva, G. Qutlimuratova. Jańa basılımı- Tashkent: Respublika bilimlendiriliw orayı, 2021; Ana tili hám oqıw sawatlılığı. 2-bólüm [TEKST]: 1-klass ushın sabaqlıq / Sh.Ábdinazimov, B.Qutlimuratov, Z.Ismaylova, P.Salieva, G. Qutlimuratova. Jańa basılımı- Tashkent: Respublika bilimlendiriliw orayı, 2021; Ana tili hám oqıw sawatlılığı 1-bólüm [TEKST]: 2-klass ushın sabaqlıq / Sh.Ábdinazimov [hám basqalar.]. – Tashkent: Respublika bilimlendiriliw orayı, 2021; Ana tili hám oqıw sawatlılığı 2-

bólim [TEKST]: 2-klass ushın sabaqlıq / Sh.Ábdinazimov [hám basqlalar]. – Tashkent: Respublika bilimlendiriw orayı, 2021.

2. Гаипов Д. Ж. Роль эвристического обучения в развитии креативного мышления учеников начального класса на уроках математики //European science. – 2020. – №. 3 (52). – С. 53-54.

3. Политова Н. И. Развитие речи учащихся начальных классов на уроках русского языка: Пособие для учителя. – М.: Просвещение, 1984. – С. 23.

4. Kengesbayevich, R. M. (2024). READINESS OF SOCIAL PEDAGOGUES TO WORK WITH CHILDREN WITH DISABILITIES. AMERICAN JOURNAL OF EDUCATION AND LEARNING, 2(3), 318-323.

5. Kengesbayevich, R. M. (2024). CORRECTIVE-PEDAGOGICAL ACTIVITIES IN INCLUSIVE EDUCATION. AMERICAN JOURNAL OF MULTIDISCIPLINARY BULLETIN, 2(3), 161-165.

6. Kengesbayevich, R. M. (2024). INCLUSIVE EDUCATION IN GENERAL EDUCATION PRESCHOOLS AND TRAINING OF FUTURE EDUCATORS TO WORK WITH CHILDREN. AMERICAN JOURNAL OF MULTIDISCIPLINARY BULLETIN, 2(3), 166-171.